

УДК: 1751.82.95

**“ГЁТЕ БИЛАН ГУРУНГЛАР” АСАРИ ҲАҚИДА**

Х.Тожиев, Ш.Хидирбаев  
Гулистан давлат университети  
E-mail: sh-xidirbaev@mail.ru

Гётенинг сурати ва сийрати бекиёс даражада гўзал. Биз бундай хulosага ёзувчининг асарларини, у ҳақдаги айрим тадқиқотларни ўрганиш асносида келдик. Зеро, ҳар қандай хulosага келиш дафъатан бўлмайди. Янгиш опа Эгамовани (опамизнинг охиратлари обод бўлсин) Гёте бир умрга сехрлаб, мафтун этганини яхши биламиз. Аспирантуруни битириб, илмий ишини якунлаб, F.Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтига ишга келганларида ўз олдига Гёте ижодини мукаммал ўрганишдек мақсад қўйғанлигини айтган эдилар. Айни эзгу мақсад йўлида Янгиш опа (1942-2017) тинимсиз фаолият олиб борди. “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Ҳамроз диллар”, кейинчалик эса биз сўз юритаётган мавзудаги Йоҳанн Петер Эккерман қаламига мансуб “Гёте билан сухбатлар”, “Мұҳаббат фарзанди” китоби Гётега бевосита алоқадор. Янгиш опанинг номзодлик диссертацияси, 100 дан ортиқ илмий мақолалари, асосан, Гёте ва унинг ижоди, асарлари ҳақида (Эккерман, 2016).

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор” китобида ўзбек адабиётининг биринчи ва эртанги куни истиқболи ҳақида сўз боради. Жумладан, дунё адабиётининг энг сара нашрларини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган (Каримов, 2009).

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам “Гёте билан гурунглар”ни ўқиб-ўрганиш асносида туғилган айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни лозим кўрдик. Бизни бефарқ қолдирмаган ўринларга бошқалар ҳам эътибор берсин, хусусан талабаларимиз буларни ўқиб, бироқ ўқимай кетаверишмасин. Масалан, Фридрих Ницшенинг баҳоси, китоб муаллифи Йоҳанн Пеьер Эккерман (1792-1854)нинг “Гётенинг сурати ва сийратини янада ёрқинроқ намоён этишдаги ҳаракатлари ... . Янгиш опанинг таржимаси эса одамни ҳайратга қолдирар даражада табиий мисраларда тақдим этилганки, бунинг учун у кишининг меҳнати самараси гўё бу таржима эмас, уни Эккерманн номидан Янгиш опанинг ўзлари ёзгандек қабул қилиниши ... . Ваҳоланки, бу табиий гурунглар ўзбекчага осонгина “ўтмаган” (Гёте, 1932).

Ҳар “Гурунглар”ки боқий асарлар фарзандларга баҳра беради ... .

Гёте (1749-1832) яратган мерос салкам 150 жилдлик китобларга жам этилган. Бу дафъатан унча ҳайратланарли рақам эмасдек туюлиши мумкин, бироқ ... . Ҳар бир жилд бир қарашда назарингиз қамраб ололмайдиган олам эканлигини ўйлаб кўринг-а! Эҳ-хе, демак бу чиндан-да буюк ижодкор туғулажак Боқий дунё фарзандларига жуда-жуда арзигулик мерос қолдирган. Бу меросдан туғулажак асарларнинг ҳар бири ўзига хос баҳра олғуси. Биз ҳам китобнинг ўзбек тилига Эгамова Янгиш опа таржима қилган дурдона (опамизнинг охиратлари обод бўлсин) асарни ўкувчига беихтиёр кўчадиган ҳис-хаяжонга тўлиб ўқиб-ўргандик. “Гурунглар”нинг мағзини чақиша асарга академик Акмал Саидов ёзган сўзбошининг аҳамияти бекиёс бўлди. Китобга

эпиграмма қилиб Фридрих Ницшенинг “Олмон тилида ёзилган асарларнинг энг яхиси” деган баҳоси олинган (Гёте, 1932).

“Абадий дўстликнинг адабий солномаси”.

Муқаддима Гёте – “Худонинг назари тушган зот”ни бизга танишириши, ундаги иборатомуз фикрлар, ёзувчининг кимлигини – сийратини кўрсатиши билан қадрли. Гёте: Фавқулодда инсон дунёсини ҳақли равишда кўп қиррали олмосга қиёслаш мумкинки, уни қайси тарафга ўгирмагин турли рангда товланаверади. Эркин Воҳидов таржимасидаги қуйидаги мисралар Янглиш опани ҳам қойил қолдирган:

Ой ўртанаар, кўзларида ёш,  
Бағри дому, юраги қийма,  
Дер: Эй фалак, мен эдим күёш,  
Нега мени қилдинг таржима?

“Дунёда шеърият, нафис санъат деган тушунчалар ҳам борлиги у пайтлар етти ухлаб тушимга кирмаган, бу нарсаларга токи менда ҳатто хирагина интилиш ҳам йўқ эди” (Гёте, 1932).

Гёте инсоният бадиий тафаккурнинг энг ёрқин вакилларидан бири Европа Уйғонишин даврининг сўнгги йирик сиймоларидан ҳисобланади;

Гёте ҳеч қачон ўз олдига китобхонлари ёки томошабинларини “Мушкул ҳолатга келтириш, руҳан умидсизлик гирдобига ғарқ қилиш” мақсадини кўймаган, - дейди Эккерман. У ҳам Шекспир сингари “Фақат умумнинг ғамини ейди-бизнинг кўз ёшлиаримиз унга керак эмас”. Унинг кейинги гапи шоирнинг сийратини янада аникроқ кўрсатади.

Гётедек теран ақл, ўткир ҳаёл, ҳассос қалб, осмон қадар рух, тоғдек юрак, нодир қобилиятили, инжик феъл-атвор, юксак илм-маърифатли, улкан тажриба соҳиби, бир сўз билан айтганда мана шундай бекиёс маънавият оламига бор бўй-бастидан серқирра куч-қудрат балқиб турган даҳо зотга дуч келганида ўзингиз айтинг ким ҳам эсанкираб, ғайри ихтиёрий равиша довдираб қолмайди дейсиз?!

Гётенинг юзи буғдой ранг, қатъий қараси ҳар бир они маънога тўла.

“Кўнглимда қайта кичик шеърий ҳамда драматик асарларининг режалари тугилган, шуларнинг барчасини навбатма-навбат, мияни бир жойга кўйиб, амалга оширишдан иборат эди, холос”.

“Менинг барча шеърларим билан бир воқеа муносабати билан ёзилган, уларда ҳаёт уфириб туради ва шунга томир отган. Ҳаводан олиб ёзилган шеърларни мен шеър деб ҳисобламайман”.

“Кейин менинг инглиз тилини ўрганишим лозимлиги ҳақида сўз борди, Гёте буни мендан қаттиқ туриб, ҳеч бўлмаса, ҳозиргacha ҳам, бундан кейин ҳам дунёга келиши гумон бўлган фавқулодда гаройиб инсон шоир Лорд Байрон учун ўрганишимни талаб қилди. Гёте ҳикматлари алоҳида эътиборга лойик.

Бу ёзувлар челяқдаги сувни ичидан бола билан кўшиб тўкиб юбормагандек қоғозга тушган.

... Ўша кеча кўришга қайноқ истак туғилди.

... Ҳар бир шеърингизнинг остига ёзилган санангизни кўйинг.

... Зилзила бўлишини олдиндан билган Гёте.

Метаморфоза – 1-маъноси шеърда метаморфоза - (ривожланиш натижасида бошқа кўринишга ўтиш, бошқа турга кириш, айланиш);

2-маъноси кескин ўзгариш.

Ғазаллардаги ўзига хослик шундаки – сўзида давом этди Гёте, - улар мазмунининг ўта тўлиқ бўлишини тақозо қиласи, муттасил тақрорланиб турувчи қофия оҳангдош сўзларни кўпроқ бўлиши талаб этилади.

... Хоҳ, ичдан бўлсин, хоҳ, тошдан бўлсин ...

“Ўйлаш бунчалар оғир бўлмаса эди”!

... Нариги дунёда ҳаётга ишонмайдиган одам бунисида ҳам йўқдир.

Антисипация – воқеа ҳодисаларни олдиндан кўра билиш, ҳис-туйғу орқали билиш.

## **\* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI, 2018. № 2 \***

Умуман олганда ёзувчининг услуби унинг ички дунёсининг ишончли кўринишидадир, ёрқин услубда ёзиши истаган кишининг аввало қалби ёрқин бўлсин, бордию, у улуғвор услубда ёзмоқчи бўлса, энг аввало қалбida ўша улуғворлик бўлсин.

Ёзувчи очиқда юрмоғи ва имкони борича юксакроқ ва етукроқ асарлар ёзмоғи даркор. Софоклнинг персонажлари улуғ шоирнинг буюк қалбига хос белгилардан ниманидир олган бўлса, Шекспир қаҳрамонлари ҳам унга хос хислатлардан олган. Аслида мана шундай бўлмоғи керак. Шекспир эса янада олдинга кетди, Римликларни тўла ҳуқуқ билан инглизларга айлантириди, тўғри қилди, акс ҳолда халқ уни тушунмаган бўларди (Гёте, 1975).

Стол атрофидаги ўткир ҳазиллар айни сонияларнинг меваси ...

Дилемантизм-дилемантлиш ҳаваскорлик, юзаки ишқибозлик шунчаки қизиқиш.

Филоктет – бир мавзуни турлича талқин қилиб ёзилган антик дунё адабиётларига тегишли асар.

“Менинг исмим ёзилмаган ўқ менга тегмайди” дейди жангга кирган аскар.

Байрон на антик дунёга, на романтизимга мансуб, у ҳозирги кун одами.

Гёте ўз китоблари ҳақида:

“Менинг асарларим ... мен излаган нарсани ҳоҳлайдиган, интилишлари менинг интилишларимга уйғун бўлган алоҳида кишилар учун ёзилган”.

Ролларни уларни ўйнайдиган актёрларга мос қилиб ёзиш лозим.

... Қаҳрамон ҳарактери ҳаққоний ҳамда ўз прототипига эга бўлмоғи керак. “Ҳамроз дилларда” шахсан ўзим бошимдан ўтказмаган бирорта сатр йўқ, умуман олганда, бу асарга китобхон биринчи ўқишидаёқ илғаб оладиганидан кўра кўпроқ нарса сингдирилган.

(Сенсуалист-ҳаётни тушунишда сезгига, хиссиётларга асосланувчи киши.)

Ранг Соя билан эгизаклар, имкон туғилган заҳоти билан кўришиб унда ёки у орқали намоён бўлади. Қор қишида куннинг ҳар хил пайтида ҳар хил кўринади.

Ромео тонг пайти севгилиси билан хайрлашаётганда бирининг юзи иккинчисига рангпар кўринади.

... Катталар йўқотганини бола топади.

Наполеон ҳарбий юришлари давомида қандай китобни олиб юрган хўш? Менинг “Вертерим”ни!

Асовлик, тап тортмаслик.

Энтелехия-Аристотель фалсафасида мақсадга интилишнинг ҳаракатлантирувчи, имкониятини воқеликка айлантирувчи фаол йўл ҳақидаги қадам.

Плутархда ўқидимки, қадимги Юнонистанда Оналарга худди ҳудолардек муносабатда бўлишган.

Немезида – қадимги юон мифологиясида ўч, қасос худоси.

“Гёте билан гурунглар”ни ўқиганда ўзбек ўқувчиларидан баъзилари (ҳаммаси эмас, албатта) жуда кўплаб мифологик, грек, Рим афсоналари қаҳрамонларининг номлари ва уларнинг маъноларини, илмий атамаларни, билиб оладилар, мана уларнинг айримлари:

Орфей – Овидийнинг “Метаморфоза” асарининг қаҳрамони, дарёлар худоси Эагр ҳамда мусиқа худоси Каллиопанинг ўғли қадимги юон мифологиясида қўшиқчи тимсоли, унинг қўшиқлари нафақат одамларни балки ёввойи ҳайвонларни, дарахтларни, тоғу-дарёларни мафтун қилган.

Плутон – қадимги юон мифологиясида ер ости дунёси, ўликлар подшоҳлиги худоси Аид, Гадес деб ҳам айтилади.

Эвридика – қадимги юон мифологиясидаги гўзал Нимфа. Орфейнинг суюкли хотини – уни заҳарли илон чақиб ўлгач, Орфей уни озод қилишини сўраб ўликлар худоси Плутонга илтижо қиласди (Гёте, 1975).

Бундай изоҳи берилган, биз ўзбек китобхонлари учун нотаниш бўлган 500дан ортиқ изоҳланган қаҳрамонлар, адабий ёки лингвистик ёки ҳар хил соҳаларга оид атамалар маънозмуму билан танишиб оласиз-ки, бу муносиб, аслига адекват изоҳлар Янглиш оппа-осон

миясига қўйилиб қолмаган, қайси бирларининг мазмун-моҳъяни аниқ, лўнда ифодалашнинг ўзи бўлмайди-ку, булар “таржимон чеккан заҳматлар ҳосиласи” .....

“Буларнинг орасида китобхон тилини синдириб юборай деган талаффуз талаб қилинадиган исмлар изоҳлари бор:

Лайбниц Готфрид Вильхельм Фон (1646-1716) – Олмон қадимий файласуфи. Монада – Лайбниц фалсафасида гўё оламнинг асосини ташкил этувчи дастлабки бўлинмас руҳий элементлар Дивид д’Анже Пьер (1789-1856) француз ҳайкалтариши. Альфред де Виньи (1797-1863) француз романтик шоири. Дешам Эмиль (1791-1871) француз шоири. Гэ Дельфини (эри томонидан Эерардин, (1804-1855)) француз шоираси. Таству Амабл (1798-1885) француз шоираси. Фабье Шарль Никола (1783-1855) француз генерали, Грецияни озод қилиш учун кураш иштирокчиси ва бошқалар.

(Апостол – Исонинг шогирди)

Гёте янги давр француз адабиётига кучли таъсир ўтказган ўша вактдаги ёшлар эса Гётени ўзларининг маънавий доҳийлари сифатида севиб, қадрлашган. Шекспир Гётега илҳомбахш таъсир ўтказган. Китобнинг 340-бетида ўқиймиз (сизлар ҳам ўқингизлар): Одам Ато етук чиройли эркак. У бир қўли билан белкуракка суюниб туради. Бу одам ерга ишлов бериш учун яратилганлигининг рамзи. Оламнинг иккинчи бор яралиши Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ. У токларни парвариш килади, бу тимсолда хиндларнинг Вакха худосига ўхшаш нимадир бор ...

Унинг ёнида пайғамбаримиз Мусо – биринчи бўлиб қонунни жорий қилувчи пайғамбар.

Кейин Давид – жангчи ва подшоҳ, ундан сўнг Исо – ҳукмдор ва пайғамбар. Сўнгра Даниел туради ва келадиган Исодан дарак берувчи мулоҳазаларни қулоғингизга қуйиб олинг дегимиз келади.

... Мифология шу қадар ўзгарувчанки, кимга қайси сюжет қизиқроқ ва ёқимлироқ туйилса ўшани танлайверади.

Гётенинг поэзиясида “ўзинг зўрлаб бирор бир натижага эришолмайсан, ирова кучингни ишга солиб эришолмаган нарсани ҳайрли онлардан кутишинг зарур”

Яратган сени қийнаса ҳам шукур қил,  
У сени қайта ярлақаса ҳам шукур қил.

Муаллиф туйғуларининг соғ ва улуғ сифатлилигидан дилим яйради, унинг маълум ташбеҳларини мохирона қўллашдаги ўзига хос истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатади. Бу Янглиш опанинг маҳоратининг яна бир исботи. Бу гапларни асар таржимони ва таржимаси ҳақида:

“Бандаси тадбир этади,

Яратган тақдир этади” мақоли жуда ихчам, лўнда шаклда тақдим этилаяпти (Гёте, 1975).

Лорд Байрон баҳсга ўч бўлган. Гёте кузатишларидан Моцарт беш ёшида, Бетховен саккиз ёшида, Хуммол тўққиз ёшида мусиқа ёзишади ва чалишади ва ўз атрофидагиларни ҳайратга солишган.

Негадир – одамлар ақлли бўлиш учун қариши керак дейишади – деди кулиб Гёте, - аслида эса илгариги ақлли ҳолатингда қолишинг учун йиллар давомида ҳаракат қиласан.

(Кабирлар-қадимги юононлар худолари гуруҳи)

Минатавр-қадимги юонон мифологиясида танаси одамга, боши хўқизга ўхшаган махлук.

Ҳарпия-қадимги юонон мифологиясида боши одамга, танаси қушга ўхшаган аёл махлук, куюн худоси.

Форкиадалар юонон мифологиясида денгиз пири Форкиснинг уч қизи, улар ғоятда бадбашара бўлишган. Учовларига битта тиш ва битта кўз берилган бўлиб, улардан навбатма-навбат фойдаланишган. “Фауст”нинг учинчи фаслида Мефистофель Форкиада қиёфасида пайдо бўлади.

... Девкорлик том маънода ижобий фаолиятида намоён бўлади.

- Поэзияда, - деди Гёте, - айниқса ақл-идрок билан фаҳмга етиб бўлмайдиган гайришуурый поэзияда, шубҳасиз девкор (титанлар) кудрат ҳукмрон шу сабабли шеърият бутун борлиғимизни чулғаб олади.

Кутубхона эшиги олдига “бу эшиқдан кирган ҳар бир кишини меҳмондўстлик ва самимият кутиб олсин, чиқиб кетаётган ҳар бир кишига оқ йўл берсин” деган мазмундаги ёзув битилган эди. Яхши гап бу!

Элизиум – Марҳумлар руҳи кезиб юрадиган хушманзара дала.

Янглиш опа: “Десерт” деган сўзининг маъносини кенгайтирган:

Гёте десертга Римдаги ёш бир дўстининг мактубидан айрим жойларини ўқиб берди”.

Эксипозиция-баён, тасвир. Адабий асарнинг, ўша асарда тасвириланадиган иш-ҳаракат, муҳитини ҳарактерловчи бошланғич қисми.

Арабеска-меъморчилик ва рассомлик санъатида геометрик шакллар барг, гул ва шу кабиларнинг тасвиридан таркиб топган мураккаб нақш ... .

Гётенинг ватанга бўлган севгиси чексиз.

Гёте шоирнинг бирор партияга мансуб бўлишини маъқулламайди.

Ўз-ўзини ифода қилиш унинг табиатидаги энг дикқатга сазовор фазилатларидан бири. Бу хислат ўзидағи мулоҳазокорлик билан уйғунлашиб, мавжуд нарсаларни тўлиқ ўзлаштириши ва биз тинмай ҳайратланадиган асарларига етуклик бағиашлаш имконини беради (Гёте, 1932).

Таникли драматург, агар у машхур бўлса, Шекспирга таянмай иложи йўқ, ха, ха, уни ўрганмай иложи йўқ. Уни ўрганаркан, шунга амин бўлдики, Шекспир инсон табиатини ҳар тарафлама ичи ва таши билан муфассал ўрганган ва энди унинг ортидан келаётган кимсага эса, аслини олганда, ўрганадиган ҳеч нарса қолмаган.

“Шекспир Швейцария тоғларига ўхшайди. Люнеберг чўллари ўртасидаги бепаён сайҳонликдаги Монбланни тасаввур қилиб кўринг. Унинг буюклиги олдида ҳайратдан қотиб қоласиз. Бироқ униг ёнига улкан ватанидаги унга ёндош: Юнгфрау, Финстерархорн, Айгер, Веттерхорн, Готтхард ва Монте Роза тоғлари орқали борсангиз, Монблан улканлигicha қолаверади, лекин у бизни у қадар ҳайратга солмайди.

Вертерни сақо қуш сингари ўз юрак қўри билан ўзлаштирилган ҳамда гаплари зўр таржима қилинган. “Вертер”ни портловчи модда деди Гёте. (450-бет) Гётенинг Наполеон билан “Вертер” ҳақидаги гапини икки варақдаги эътирофларини қўчириб ўтирумадим. Улар Гётени “Вертер” ҳақидаги қалбидан қўйилиб чиқсан сўзлар” бу саҳифаларни қайта-қайта ўқишингизни сўрадим. Мени муаллиф фикрлари титроққа солди ... .

Гёте худога, табиатга яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишониб яшаган ... .

Унинг инқилоб сабабчилари халқ эмас, хукумат деган фикрига қўшилмай иложингиз йўқ ... . Гёте актёр ва актрисаларни уйига таклиф қилганидан бунинг аҳамияти, муҳимлигидан доим фахрланиб юрган. Гёте бизларни доимо, тинмай ўрганишга, интилишга чақиради! Сувга қўшиб болани ҳам четга чиқариб ташламаслик таржимасига қойилгина қолмайсиз, бу сизу-бизни ўйлантириши тайнин!

Улуғ давр яхшилар изидан боради, ўртачалари унга таъсир ўтказаолмайди.

Гоҳида бирор нарса ўз гўзаллигига ва мафтункорлиги билан бизни ҳайратга солади, аслида ўша нарса шундай туйғуки ёлғиз ўзи эмас, балки олдидағи, ортидаги, ёнидаги, устидаги нарсалар билан биргаликда уйғунлашган.

Аякснинг ҳалокатига иззат-нафсиининг ҳақоратланиши, Херкулеснинг ҳалокатига эса рашк сабаб бўлган!

Умум манфаатига ҳизмат қилмайдиган ҳаракат давлат учун қилинган эзгулик ҳисобланмайди.

Хуллас “Гёте билан гурунглар”ни ўқиганингиз сари Гётенинг буюк бўлганлигига ишончингиз ортиб тобора бораверади. Ўзбек ўкувчилари Янглиш опанинг таржимага муҳаббат фарзандидек қарагани, муаллифга нисбатан миннатдорлик ҳиссини ҳар варақда түядилар. Гётенинг яна қандай мафтункор асарларини ўқисам экан деган ўй келади улар хаёлидан. “Фарбу Шарқ девони”, “Faust”, “Таврида ифигенияси”, “Рим элегиялари” ва бошқаларни ўқинг дегимиз келади ... . Биз Гёте ва унинг шахси, унинг ҳикматли гапларининг аслига мос фикр ўйғотган айримларинигина келтирдик бу ерда. Демак, айтилмаган гапларни китобхон гурунгларни тинглаб, ўзи билиб, ўқиб олишига ишончимиз комил ... (Гёте, 1975).

**Адабиётлар рўйхати:**

Йоҳанн Петер Эккерман. Гёте билан гурунглар. Олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. Тошкент: “O’ZBEKISTON”, 2016.- 20-25 б.

Гёте. “Ёш Вертернинг изтироблари” Олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. - Тошкент: “Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат”, 1975. - 34-43 б.

И.А.Каримов. Адабиётга эътибор – келажакка эътибор. – Тошкент:“O’ZBEKISTON”,2009 - 40-416. Том 4/6: Литературное наследство [И.В. Гёте] – М.: Жур.-газ. объединение, 1932. – С. 20-35.

**Аннотация**

**“ГЁТЕ БИЛАН ГУРУНГЛАР” АСАРИ ҲАҚИДА**

Х.Тожиев, Ш.Хидирбаев

Ушбу мақола устозимиз Янглиш опа Эгамова хотирасига бағишлиган бўлиб, унда устозимизнинг Гёте асарларини таржима қилишида ўз маҳорат ва ижодкорлик қобилияtlаридан моҳирона фойдалангани хақида маълумот келтирилган. Устоз Я.Эгамова нафақат бадиий адабиёт, балки тарихий асарларни хам таржима қилгани диққатга сазовордир. Бунга яққол мисол сифатида “Андижон шахзодаси” асарини келтириш мумкин.

**Таянч сўзлар:** девкор, адабиёт, тажриба, таржима, асар, мерос.

**Аннотация**

**О ПРОИЗВЕДЕНИИ «БЕСЕДЫ С ГЁТЕ»**

Х.Таджиев, Ш.Хидирбаев

Данная статья посвящается памяти нашей наставницы Янглиш Эгамовой. В статье приведены сведения о том как она пользовалась мастерски и творчески при переводах произведений Гёте. Важно отметить, что Я. Эгамова переводила не только художественную литературу, но и исторические произведения тоже. В качестве примера можно привести произведение “Принц Андижана”.

**Ключевые слова:** титан, литература, опыт, перевод, произведение, наследие.

**Summary**

**ABOUT LITERATURE WORK “CONVERSATIONS WITH GOETHE”**

Kh. Tadjiev, Sh. Hidirbaev

The following article is devoted to the memory of our master Yanglish Egamova who could use her capability skillfully and creatively when translating works of Goethe. It is necessary to mention that our master Ya. Egamova translated not only fiction but also historical works as well. For instance, we can give her translation “Prince of Andijan”.

**Key words:** titan, literature, experience, translation, work of literature.